

Бизнинг энг катта бойлигимиз юртимиз тинчлиги, халқимизнинг осойишталиги. Тинчлик барқарор бўлса, мана шундай бунёдкорлик бўлади, режалар амалга ошади. Давлат ташкилотларини сафарбар қилиб, имкониятларни юзга чиқариб, ҳамма ҳудудларни ривожлантиришга ҳаракат қилаёмиз. Паркентга ҳам истиқлол шабадаси, ислохотлар натижаси етиб келганини кўриб, хурсанд бўлдим. Халқимиз мана шундай фаровон шароитда яшашга муносиб.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

2025-yil
19-iyun
payshanba
№76
(5140)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Куннинг муҳим воқеалари



Президент Шавкат Мирзиёев Паркент туманига ташриф давомида «Олтин бел» чўққисидаги дам олиш маскани ва янги лойиҳалар билан танишди.




Президент Шавкат Мирзиёев 18 июнь куни «Тошкент-Шарқий» аэропорти қурилишини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг техник хусусиятлари, терминалларнинг архитектуравий ечими билан танишиб, қурилиш ишларини жадаллаштириш, сервис даражасини ошириш бўйича аниқ топшириқлар берди.



Президент Шавкат Мирзиёев Паркент туманига ташриф буюриб, «Паркентсой» турар-жой массивининг қурилиши билан танишди.

Шу ерда туманни янада ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот ҳамда паркентлик фаоллар билан мулоқот бўлиб ўтди.



Давлатимиз раҳбари Паркент туманига ташриф чоғида Кумушкон маҳалласида бўлиб, сайёҳлик салоҳияти ва меҳмон уйлари кўздан кечирди.



Президент Шавкат Мирзиёев Паркент туманида интенсив боғ фаолияти билан танишди.

Манба: president.uz



САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК, ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШУВ ВА САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

Жанубий Корея Иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат кенгаши делегацияси Ўзбекистонда

ҚИРГИЗИСТОНЛИК КАСАБАЧИЛАР ЮРТИМИЗДА МАЛАКА ОШИРИШДИ



Ўтган йилнинг декабрь ойида Қирғизистон касабачилари Федерацияси раиси бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган «Ўзбекистон касабачилари Федерацияси билан Қирғизистон касабачилари Федерацияси ўртасида ҳамкорлик туғрисидаги келишув»га мувофиқ, шу кунларда Қирғизистон касабачилари Федерациясининг бир гуруҳи меҳнат ҳуқуқ ва меҳнат техник инспекторлари юртимизда малака оширишди.

Жумладан, Ўзбекистон касабачилари Федерациясининг Малака ошириш институтида ташкил этилган ўқув курси «Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги» ҳамда «Касабачилар фаолиятини ташкил этиш» йўналишларида бўлиб ўтди.

Машғулотларда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди. — Менга Ўзбекистон касабачилари тизимидаги жуда кўп тажрибалар манзур бўлди, — дейди Қирғизистон касабачилари Федерацияси

меҳнат ҳуқуқ инспектори Азиза Асанбекова. — Жумладан, тизимда ягона рақамли платформа яратилгани ва унда барча ҳисоботлар, топшириқлар ва таҳлиллар жойлашиб бориши жуда ёқди. Бу ишни соддалаштирибгина қолмай, шаффофликни ҳам таъминлайди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси — lex.uz нинге мавжудлиги, касабачилар уюшмалари тизимида ҳам қонунчилик ҳужжатлари базаси ижтимоий тармоқлар, телеграм каналларга жойлашиб, Федерациянинг фаолияти ҳар тарафлама

очик ёритилиши яхши экан. Маърузчиларнинг меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, жамоатчилик назоратини олиб бориш ва унинг ҳуқуқий асосларига бағишланган дарслари биз учун жуда фойдали бўлди.

Қирғизистонлик ҳамкасблар, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан ҳам яқиндан танишдилар. Хусусан, пойтахтимиздаги «Ғалаба боғи», «Тошкент city» мажмуаси, Ўзбекистон касабачилари тарихи музейи ҳамда Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»
Диёрбек ҒАНИЕВ олган суратлар



Ўқув

Ўзбекистон касабачилари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ЕТАКЧИГА ЯНА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда 85 нафар делегат ҳамда 26 нафар таклиф этилган меҳмон – олий таълим муассасалари ректорлари, профессор-ўқитувчилар, туман кенгашлари раислари, аппарат ходимлари, касба уюшма кўмиталари вакиллари ва бошқа соҳа мутахассислари қатнашди.

Конференцияда сўзга чиққанлар соҳада олиб борилаётган ислохотлар, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва касба уюшмалари зиммасидаги муҳим вазифаларга алоҳида тўхталишди.

Тадбир асноси Таълим ва фан ходимлари Тошкент шаҳар кенгаши раиси Абдухалил Раҳмоновнинг ҳисоботи тингланди. Унда қайд этилишича, ўтган давр мобайнида жамоа шартномаларида кўзда тутилган масалалар буйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 71 та ташкилотнинг нафақа ёшига етган 139 нафар ходимига 95 миллион 548 минг 700 сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Юбилей саналари муносабати билан 4 минг 493 нафар ходимга 1 миллиард 733 миллион 793 минг сўм маблағ сарфланди.

Ҳисобот даврида кенгашга 17 минг 176 та мурожаат келиб тушган. Улардан 389 таси меҳнат муҳофазасига, 170 таси иш ҳақи ва муқофот тўловларига, 86 таси меҳнат шартномасини бекор қилиш, ўзгартириш, интизомий жазо қўллаш тартибига тааллуқли бўлган. 15 минг 429 та мурожаат ижобий ҳал этилиб, қолгани тегишлилиги буйича масъул ташкилот-идораларга йўналтирилди.

– Шу йиллар мобайнида соҳада макташга арзигулик ишлар амалга оширилди, – дейди Тошкент шаҳридаги 96-умумтаълим мактаби бошланғич касба уюшмаси кўмитаси раиси Гулсара Саидалиева. – Ходимлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти. Уларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатиляпти. Сирасини айтганда, тизимда инсон қадрини улуғлаш тамойили асосида иш тутиляпти. Назаримда, бундан ҳар бир ходим юракдан ҳис қиляпти.

Конференция кун тартибидеги асосий масалалардан яна бири кенгашнинг янги тарихини сайлаш бўлди. Ўлиқ овоз бериш орқали ўтган сайлов жараёнида Абдухалил Раҳмонов яна Тошкент шаҳар кенгаши раиси этиб сайланди.

Шунингдек, конференция давомида кенгаш ва тафтиш комиссияси аъзолари, касба уюшмасининг II Курултойига ва Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳри кенгаши конференциясига делегатлар сайланди.

– Ҳисобот-сайловлар барча раислар сингари мен учун ҳам жуда ҳаяжонли ўтди, – деди Абдухалил Раҳмонов. – Бундан кейинги фаолиятимда ҳам ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, жамоаларда муносиб меҳнат шароитлари яратишга астойдил ҳаракат қиламан.

Қайси меҳнат жамоасида ходимларнинг манфаати ҳимоя қилинаётган бўлса, ўша ташкилот ёки корхонада ривожланиш бўлиши тайин. Чунки ҳар қандай жабҳанинг камол топиши кўп жиҳатдан меҳнаткашларга яратилаётган шарт-шароитлар ва уларга кўрсатилаётган эътиборга бевосита боғлиқ. Бундан иш бевуричи ҳам, касба уюшмаси раиси ҳам чуқур англаб етмоғи лозим.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»



**ИШБОШЧИ
МОҲИР БЎЛСА...**

АГРОСНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСБА УЮШМАСИНИНГ АСАКА ТУМАНИ КЕНГАШИ РАИСИ САЛИМЖОН ҲАЙИТОВ ТОМ МАЪНОДА УСТОЗ КЎРГАН МУТАХАССИСЛАРДАН. Яъни СОҲАНИ МИРИДАН-СИРИГАЧА ЯХШИ БИЛАДИ. БИЛАНЛАРИНИ ИМКОН ҚАДАР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТАДИ.

Ўтган беш йил мобайнида кенгаш томонидан жамоа шартномаларида қайд этилган муносабатларни ривожлантириш буйича жиддий чора-тадбирлар кўрилди. Бугунги кунда таркибиде 554 та фермер хўжалиги (3 та бошланғич касба уюшмаси кўмитаси) ҳамда 36 та корхона-ташкilot ва муассасанинг 8 минг 595 нафар ходимини жамлаган кенгаш томонидан ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлар ҳимояси масаласида ҳавас қилгиллик натижаларга эришилмоқда.

Маълумки, амалдаги қонун ҳужжатларида хотин-қизлар, ёшлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлиги бор шахслар, кексалар, вояга етмаганлар, собиқ байналмилалчи жангчилар учун қатор имтиёз ва кафолатлар белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, тармоқ тарихидаги корхона ва ташкилотларда амал қилаётган жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида имконияти чекланганлар, хотин-қизлар, вояга етмаганлар учун қўшимча имтиёзлар акс этган.

Натижада туманда аёлларга ҳавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг фарзандларига ўқув қуролларини ва дарсликлар олиб бериш, аёлларнинг туғишга ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари узайтириш, қиш мавсумида саноат корхоналарида ишловчи опа-сингилларимизнинг иш соати иш ҳақи сақланган ҳолда бир соатга қисқартириш каби вазифалар мунтазам амалга ошириб боришмоқда. Бу мақсадлар учун ҳисобот даврида жами 930 миллион 135 минг сўм миқдорда маблағ сарфланди. Жумладан, 152 нафар хотин-қизнинг туғишга ва туғишдан кейинги таътиллари узайтирилди, 261 нафар аёлнинг иш вақти иш ҳақи сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилди. 205 та кам таъминланган оила фарзандларига ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб берилди. Тиббий кўрик натижасига кўра, даволаниши лозим бўлган 112 нафар ходимга касалхона харажатлари ҳамда дори-дармонлар сотиб олиши учун моддий ёрдам ажратилди.

Амалдаги тартиб-таомилга кўра, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини маъмурият ташаббуси билан бекор қилишда касба уюшмаси кўмитасининг розилиги, албатта, олинмиши керак. Бундай имтиёз 2020 йилда тизимдаги 30 та корхонанинг жамоа шартномаларида қайд этилган бўлса, 2024 йилга келиб, 39 та корхона, ташкilot ва хўжаликларнинг барчасида белгилаб қўйилди.

Туман кенгаши ҳар бир корхона томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағлар жамоа шартномасида белгиланган миқдорда ажратилишини, ҳавфсиз шарт шарт яратилишини, ходимлар вақти вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилишини, уларнинг умумий ҳамда иш жойидаги йўриқномалардан ўтказилиш билан боғлиқ доимий равишда назорат қилиб келмоқда. Бу борада меҳнатни муҳофаза қилиш буйича сайланган 191 нафар вакил касба уюшмаси фаолларига қўшқанотдир. Чунки, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлариغا 2020-2024 йилларда 5,5 миллиард сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди. Шунинг учун ҳам бу борадаги кўрсаткичлар барқарор, тармоқ тартибидеги корхона ва ташкilotлар ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари олдини олишга эришгани, айни йўналишдаги қонун ҳужжатларига риоя этиб келаётгани учун бошланғич кўмиталар ўртасидаги аънанавий кўрик-танловда ҳамisha пешқадам.

Ўрта бўлин касба уюшмаларида ҳисобот-сайлов конференциялари давом этаётган шу кунларда Асака туманида ҳам юқорида зикр этилган тузилманинг фаолиятига баҳо берилди. Дастлаб кенгаш раисининг сўнги беш йиллик фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланиб, қоникарли, деб топилди.

Сўнгра, навбатдаги беш йилликка кенгаш раислиги учун сайлов ўтказилди. Яширин овоз бериш йўли билан муқобиллик асосида бўлган сайлов якунига кўра, делегатлар шу кунга қадар раис лавозимда фаолият кўрсатиб келган Салимжон Ҳайитовга бу гал ҳам ишонч билдирилди.

Нилуфар ҲАСАНОВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари буйича маслаҳатчиси



МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЮЗАГА ЧИҚАДИ

Жойларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов конференциялари бамисоли жўжанинг кузда саналишига ўхшайди. Ўтган 5 йиллик ҳисобот даврида ишлаган, ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси учун жон куйдирган, уларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаган, жамоа шартномаси бандларини бажарган касбачилар фаоллар ва делегатлар иштирокидаги сарҳисобан ёруғ юз билан чиқишмоқда.



Кўрсаткич ТУРАЕВ олован сураётган

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясининг катта мажлислар залида академия Бирлашган касба уюшмаси кўмитасининг сўнги беш йилликдаги фаолиятига баҳо бериш ва сайловга бағишланган конференция ҳам худди шундай руҳда ўтди. Унда таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилев иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице президенти, бош илмий котиб, академик Шомансур Сағдуллаев олиб борди. Унда бошланғич ташкilotлардан сайланган 67 нафар делегатнинг 63 нафари қатнашди.

Шомансур Сағдуллаев Фанлар академиясининг Бирлашган касба уюшмаси кўмитаси 6 мингдан ошқ аъзолари бор 67 та бошланғич ташкilotли билан мустахкам ҳамкорликда ишлаб, жамоа шартномалари бажарилишидан тортиб, ходимларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга бўлган жараёнда доимо камрабаста бўлиб турганини таъкидлади.

Шундан сўнг Бирлашган касба уюшмаси кўмитаси раиси Шерзод Жўраев ташкilotнинг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан маъруза қилди. Унда айтилишича, 2020 йилдан то шу кунгача Фанлар академиясида 747 нафар ходим даволаниши ва дам олиш уйларига йўлланма олган, 426 нафар ходимнинг фарзандларига соғломлаштириш учун йўлланмалар берилган. Айни мақсадларда касба уюшмаси маблағи ҳисобидан 1 млрд. 202 млн. сўм, ижтимоий сугурта маблағидан 1 млрд. 251 млн. сўм сарфланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари – академикларнинг саломатлигини мустахкамлашга ҳам эътибор қаратилиб, уларга Низом асосида йўлланмалар ажратиб келинмоқда. Ҳисобот даврида БКУ томонидан

7 та янги ташкilot ҳисобга олинди. Улар ичиде энг йириги «Alfraganus University» олий таълим муассасасидир. Бу таълим даргоҳидан 784 нафар ходим Фанлар академияси касба уюшмаси аъзолигига жалб этилди.

Жамоа шартномаси бандларига асосан тадбирларни бажариш учун бир нафар ходимга кетган харажатлар 2020 йилда ўртача 5 584 000 сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йил якунида 8 846 600 сўмга етди ва қарийб 1,5 баробарга ошди.

Бирлашган кўмитага келиб тушган 2047 та ёзма ариза ва 142 та оғзаки мурожаатнинг барчаси ўрнатилган тартибда қўриб чиқилди ва ижобий ҳал этилди. Ҳисобот даврида Материалшунослик институтини кутубхонаси илмий ва бадиий адабиётлар билан боштилди. Шунингдек, маъмурият билан келишилган ҳолда, ходимлар учун ошонада имтиёзли овқатланиш йўлга қўйилди. Илмий-тадқиқот институтлари ходимлари бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари учун спорт анжомлари олиб берилди.

Ҳисобот даврида ФА маъмурияти ҳамда БКУ кўмитаси томонидан уй-жойга муҳтож ходимлар ва ёш олимларнинг маълумотлар банки яратилиб, юқори ташкilotларга таклифлар киритиб борилди. Ушбу давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Фанлар академиясида фаолият юритаётган иқтисодий ёшларга Сергели туманида қурилган уй-жойлардан имтиёзли ипотека кредитлари асосида 40 та, субсидия асосида 42 та, юқори натижаларга эришган 25 нафар таянч докторантга бепул, бир хонали уй қалтиллари топширилди. Шунингдек, Хоразм Мазмун академиясида алоҳида 24 хонадонли ҳамда Улугбек шаҳарчисида 32 та оилга мўлжалланган оилавий тураржой биноси қўриб фойдаланишга топширилди.

Ҳозир Тошкент вилоятининг «Юқори юз» ҳудудида 152 ўринли кўп қаватли уй-жой қурилмоқда.

Шерзод Жўраев ва тафтиш комиссияси раиси маърузаларидан кейин муҳокамалар бошланди. Унда Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустахкамлиги институтининг профессори Ғайрат Баҳодиров, Биорганик кимё институтининг директори, академик Аббосқон Тўраев, Иммунология ва инсон геномикаси институтининг директори, академик Тамара Арипова, «Alfraganus» университети ректори, доцент Мухаммадсмоил Маҳмудовлар сўзга чиқиб, Бирлашган касба уюшмаси кўмитаси раиси бошланғич ташкilotлар билан ҳамкорликда жуда яхши ишларга қўл урганига мисоллар келтиришди ва унинг фаолиятини қоникарли деб баҳолашди. Муҳокамалар жараёнида делегатлар Фанлар академиясининг спорт комплексини ташкил этиш, илм билан банд ёшларни рағбатлантиришни янада кучайтириш, жумладан, ҳар йили аънанавий ўтказиб келинаётган «Ёш олимлар» кўрик-танлови кўламини кенгайтириш таклифларини билдиришди.

Ўлиқ овоз бериш орқали ўтган сайлов жараёнида эса, амалдаги Фанлар академияси Бирлашган касба уюшмаси кўмитаси раисининг меҳнати, жонқурлиги ва ходимлар манфаати йўлидаги жонбозлиги ўз натижасини кўрсатди. 63 нафар делегатнинг 59 нафари унинг номзодини қўллаб, овоз берди.

Меҳнат қилган юзага чиқар, деб шунга айтадилар. Қайта сайланган Бирлашган касба уюшмалари кўмитаси раиси Шерзод Жўраев ўзига таъинланган таклиф ва мулоҳазаларни келгуси 5 йиллик фаолияти мазмунига синдиришга ва уни амалга ошириш учун бел боғлашга ваъда берди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

ДИЛДАГИ ГАПЛАР
Тахтакўпирлик Гулмирахон ҳаётда кўп қийналди. Турмушнинг мушти қаттиқ тегдими ёки тақдири азалми, ҳар қалай, унга осон бўлмагани аниқ. Чорасиз қолган муштипар аёл фарзандларини етаклаганча ота уйига қайтди. Хуллас, кўнглига ҳеч нарса сиғмасди. Ахир, энди у бошпанасиз...

**ФАРЗАНД
ЮТУҒИНИ КЎРИШ
БАХТИ**



– Ҳаёт ҳеч кимни аяб ўтirmас экан, шунчалар ночорлигимдан туман ҳокимлиги остонасига бир неча бор бош уриб бордим, – дейди Гулмира Тажмуратова. – Мутасаддилардан ҳадеб ёрдам сўрай-вершидан ноқулай аҳволга тушдим, аммо бундан бошқа чорам қолмаганди. Мурожаатларим ҳадеганда ҳал бўлавермади. Охири умидимни узиб, тақдирга тан бердим.

Шундай кунларнинг бирида гўёки мўъжиза рўй берди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси бизни уй-жой билан таъминлашни ўз зиммасига олибди. Уша пайтдаги хурсандчилигимни сўз билан ифодадай олмаيمان. Мимда бир ўй айланарди, холос: «Наҳотки, меннинг ҳам ўз уйим, ватан учра ватаним бўлади?»

Охири йилларда инсон қадрини улуғлаш йўлида олиб борилаётган ислохотлар натижасида Гулмира Тажмуратова сингари миллионлаб опа-сингилларимизнинг ҳаёти изга тушгани, дард-аламлари аригани бор гап. Уларнинг орасида тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлари, уй-жой билан таъминланганлари, оғир касалликдан фориг бўлганлари қанча...

Айниқса, бугун ёшларни қўллаб-қувватлаш йўналишида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг чеки-чегараси йўқ. Имкониятлардан тўғри ва унумли фойдаланганлар аллақачон юксак марраларни забт этишга йўлришди.

Жумладан, Гулмирахоннинг қизи Жансулув ҳам давлатимиз яратиб бераётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, кўпгина ютуқларга эришди. Ҳатто спортнинг гимнастика йўналиши буйича ўз исм-шарифини Гиннеснинг рекордлар китобига киритиб қўйди. Унинг галдаги орузси гимнастика мактаби очил.

– Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг амалий ёрдами билан турмушим тубдан ўзгариб кетди, – дея ўша кунларни эспайди Г.Тажмуратова. – Худди тушда яшаётгандекман. Бундан ҳатто тасаввур ҳам қилмагандим. Назаримда, ушбу тизим доим халқ билан ҳамнафас.

Дарҳақиқат, Гулмира опанинг бугунги ҳаётига ҳар қанча ҳавас қилсак, арзийди. Фарзандларига қанот бўлиб, ўз касби билан эл-юрт қорига ярамоқда. Муҳими, ўз уйи – ўлан тушаги бор. Қизи Жансулув Татлимуратова ноёб истеъдоди билан республика фаҳрига айланди.

– Болалигимда гимнастика маликаси Оксана Чусовитинага ихлос қилардим, – дейди Жансулув. – Унинг ютуқларидан беҳад қувонардим. Айниқса, спортчинини исми Гиннеснинг рекордлар китобига киритилганда жуда хурсанд бўлганман. Тақдирнинг иноятини қарангки, бундай бахт менга ҳам насиб этди.

Ҳа, инсонни ҳавас мақсад сари, мақсад эса интилиш ва ҳаракат сари етаклайди. Жансулув ҳам халққара ва Ўзбекистон миқёсидаги муассакларда ажойиб натижаларга эришди. Ғолиблик шоҳсупасини куйдан бошлаган спортчи қиз йиллар ўтиб, энг олий чўққиларни забт этди.

Ҳеч шубҳа йўқки, ҳар қандай муваффақият ортида машаққатли меҳнат ётади. Жансулув ҳам ўз ҳаракати билан бугун элда хурмат қозонди. Унинг номини дунё таниди. Онага фарзандининг ютуқларини кўришдан ортиқ бахт бўлмас керак.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК, ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШУВ ВА САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

Жанубий Корея Иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат кенгаши делегацияси Ўзбекистонда

<<< 1

15-18 июнь кунлари Жанубий Корея Иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат кенгаши раиси Ги-сеоб Квон бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлди.

Ташриф давомида Ўзбекистон касабаси уюшмалари саройида юқори даражадаги учрашув ҳамда Жанубий Корея Иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат кенгаши ва Ўзбекистон Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг «Ижтимоий мулоқотни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш» мавзусидаги кўшма семинари бўлиб ўтди.

Унда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Ботир Зоҳидов, Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси бошқаруви раиси Отабек Ашуров, Федерация аппарати раҳбарлари ва масъуллари, тармоқ ва кенгашлар раислари, Жанубий Корея Иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат кенгаши раиси, делегация раҳбари жаноб Ги-сеоб Квон, Жанубий Корея касабаси уюшмалари федерацияси котиби, кенгаш аъзоси жаноб Хан-жин Парк, Жанубий Корея корхоналари федерацияси бошқарувчи директори жаноб Енг-ву Нам, кенгашнинг режалаштириш бўйича катта маслаҳатчиси доктор Таэ-хон Ву ҳамда халқаро ҳамкорлик бўйича директори Оакйи Сон хоним, шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилоти вакиллари Азизхон Ханоджаев ҳамда Игорь Землянский (онлайн), ОАВ ходимлари ва бошқалар иштирок этдилар.

Тадбир аввалида Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссиясининг амалдаги раиси Қудратилла Рафиқов сўзга чиқиб, меҳмонларни қадимий ва ҳаммаша навқирон Ўзбекистон замининда кўриб турганидан шод эканини таъкидлади ва уч томонлама комиссия ҳақида маълумот бериб ўтди.

Қайд этилганидек, Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 553-сонли қарори билан тузилган. Унга уч нафар ҳамраис, яъни Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири, иш берувчилар ва касабаси уюшмаларининг энг йирик бирлашмалари раислари раҳбарлик қиладилар.

Раислик мақоми ротация асосида уч йилда бир марта ҳамраисларнинг бирига ўтади. Ҳозирги вақтда комиссияга касабаси уюшмалари раислиги қилмоқда.

– Охириги йилларда икки давлат ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик юқори суръатларда ривожланиб бормоқда, – деди Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов. – Бугунги икки томонлама алоқаларда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ йўналиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишнинг ҳуқуқий асосларини бирраликда ишлаб чиқиш, муносиб меҳнат, иш жойларида қулай ва хавфсиз шарт-шароитлар яратиш каби масалаларни самарали ҳал этиш лозим.

Ҳақиқатан ҳам, меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, хориждан қайтган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига кенг жалб этиш бўйича кўшма лойиҳаларни амалга ошириш бугунги куннинг муҳим масаласидир. Чунки ҳар йили Ўзбекистон меҳнат бозорига 700 минг нафар

йигит-қиз кириб келмоқда. Ёшлар орасида ишсизликни бартараф этиш, уларни ўқитиш ва касбага тайёрлашда ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг аҳамияти катта, албатта.

Анжуманда Жанубий Корея Иқтисодий, ижтимоий ва меҳнат кенгаши раиси жаноб Ги-сеоб Квон ҳам нутқ сўзлади. Уларни катта эътибор ва очиқ чеҳра билан кутиб олишгани учун масъулларга ташаккур билдириб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб, янада ривож топишини тилади.

– Марказий Осиёдаги энг катта давлат, Буюк Ипак йўлининг маркази ҳисобланган мамлакатга ташриф буюрганамиздан бехад хурсандимиз, – деди жаноб Ги-сеоб Квон. – Қимматли вақтини аямасдан, бизни қабул қилгани ва уч томонлама комиссия йиғилишига бош-қош бўлгани учун Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раисига ўз миннатдорчилигини билдираман. Маевриди келганда, фаолиятимизга қисқача тўхталсам. Ташкилот ижтимоий мулоқотни кенгайтириш орқали жамиятдаги тафовутни камай-



тириш, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, иқтисодий балансни ушлаш ва меҳнат бозорини тартибга солиш мақсадида 1997 йилда Жанубий Корея президенти қошида тузилган. Бугунги тадбирда ўзаро тажриба алмашганимиз. Ишончим комилки, мазкур анжуман давомида эришилган келишувлар келгуси фаолиятимизда муҳим дастуриламал бўлади.

Шунингдек, бошқалар ҳам сўзга чиқиб, ўзаро мулоқот жуда мазмунли ва самарали ўтганини таъкидлади, ижтимоий меҳнат соҳасида ухшаш масалалар кўплигига, бундай машваратларни кўпроқ ташкил қилиш лозимлигига уруғ беришди. Дустона мулоқот ва музокаралардан сўнг томонлар ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Куннинг иккинчи яримиде «Ижтимоий мулоқотни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш» мавзусидаги кўшма семинар бошланди. Биринчи сессияда «Ижтимоий мулоқот орқали миллий рақобатбардошликни ва меҳнатни бошқариш муносабатларини оширишнинг намунали мисоллари», иккинчи сессияда эса

«Ўзбекистонда ижтимоий мулоқот таҳлили ва муаммолари» хусусидаги маърузалар тингланди.

Ташриф давомида меҳмонлар Тошкент ва Самарқанд шаҳридаги диққатга сазовор жойларда бўлиб, мамлакатимиз тарихи, халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъаналари ҳамда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлишди.

Шунингдек, делегация аъзолари Самарқанд шаҳридаги виллоят касбий кўникмалар минтақавий маркази, Тошкент шаҳридаги «Uzauto-Inzi» МЧЖ, Чирчиқ шаҳрида жойлашган «Uztex Group» МЧЖ кўшма корхоналарида бўлиб, ишчи-ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Корхоналарнинг бошланғич касабаси уюшмаси фаолиятини ўргандилар. Шунингдек, улар Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тасарруфидеги «Sevarsoy» санаторийсида ҳам бўлишди.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»



Кунинг иккинчи яримиде «Ижтимоий мулоқотни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш» мавзусидаги кўшма семинар бошланди.

«ISHONCH»ДА ЧОП ЭТИЛГАЧ...

«Ishonch» газетаси саҳифаларида Ҳоразм вилоятининг Боғот туманидаги Нурафшон шаҳарчасининг «Эзгулик» кўчаси носозлиги, чироқлар йўқлиги билан боғлиқ камчиликлар танқид остига олинган мақолалар чоп этилганди.

«ЭЗГУЛИК»ДА ЧИРОҚЛАР ПОРЛАДИ



Орадан бироз фурсат ўтгач, жавоб хати ҳам келган, уларда мазкур ҳудуд ободлиги эътиборга олингани баён этилганди.

Яқинда бу ерда кенг кўламли ишлар бошланди. Махсус техникалар ёрдамида йўл текисланиб, янги асфальт ётқизилди. Ҳокимлик ва тегишли ташкилот раҳбарлари жараёндан хабар олиб, ишларга бош-қош бўлишди.

Неча йиллик эътиборсизлик, қаровсизликдан азият чеккан аҳолининг кўнгли ижобий ўзгаришлардан шод.

Йўл четида пиёдалар йўлакчаси ҳам барпо этиш ишларининг, айниқса, болажонларнинг серкатнов кўчада хавотирсиз юришини таъминлайди.

– Бундан ташқари, пиёдалар ўтиш жойларига тегишли йўл белгилари

қўйилиб, чизиқлар чизилса, иккита таълим маскани рўпарасига светофор ўрнатилса, аҳоли ва болажонларнинг хавфсизлиги таъминланган бўларди, – дейди Назира опа.

Энди оқшомлари «Эзгулик»да чироқлар порлайди. Чунки масъуллар кўёш панелларида ишлайдиган ёриткичлар ўрнатилди. Бинобарин, Нурафшон чин маънода нурли, файзли маҳаллага айланмоқда. Аҳоли эса бу ишларга бироз бўлса-да, ҳисса қўшган «Ishonch» газетасидан миннатдорлигини баён этишди.

– Кўчамиз йиллар давомида хароба аҳволга келиб қолганди, – дейди Шакаржон опа Абдуллаева. – Хайрли ишлар бошланди. Савобли юмушлар бардавом бўлсин.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»

«TOSHKENT UNIVERMAGI» акциядорлик жамияти бошқаруви ва касабаси уюшмаси кўмитаси

Барча юрдошларимизни Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Чорвоқ» сув омбори қирғоғида жойлашган «Наврўз» дам олиш масканимизга таклиф этади. Ушбу масканде ёзги мавсумда 1000 нафарга яқин киши дам олиш имконияти мавжуд. Дам олувчилар 2 ва 3 қаватли корпуслар, шунингдек, коттежларга жойлашишлари мумкин. «Наврўз» дам олиш уйи Сизни кўнглини дам олишингиз учун кутади!



Мурожаат учун телефонлар:
71 233-50-23; 71 233-41-50.



ШАКАРЖОН ОПА САБОҚЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг шу йил май ойидаги Хоразм вилоятига ташрифи воҳа ҳаётида янги бурилиш палласи бўлди, десам, янглишмасам керак. Айниқса, Шакаржон Хўжаниёзованинг 70 йиллик юбилейни кенг нишонлаш ҳақидаги таклифи биз, хо-рамликларни беҳад қувонтирди.

— Хоразм аҳли ҳурматини қозонган машҳур аёл раҳбарлардан бири бўлган Шакаржон Хўжаниёзова 8 йил олдин оламдан ўтган эди. Мен Шакаржон опани кўп йиллардан буён жуда яхши билар эдим. Ҳар сафар Хоразмга келганда самимий мулоқот қилардик. У инсон эл-юрт ташвиши, ўз касбига садоқат билан яшадилар. Ҳалол ва фидокорона меҳнатдан бир дақиқа ҳам тўхтамадилар, — деди Президентимиз ушбу йиғилишда.

Шакаржон опа билан биринчи бор 1993 йилда учрашганмиз. Уша пайтларда у Боғот тумани ҳокими вазифасида фаолият юритар, мен эса оддий шифокор эдим. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйриги билан шу туманга хизмат сафарига юборилдим. Хўжаниёзова мен билан самимий суҳбатлашди. Тўғри, у ҳақда аввал ҳам эшитгандим, аммо уни бу қадар камтар ва оддий инсон деб тасаввур қилмагандим.

12 июнь куни Шакаржон Хўжаниёзованинг 70 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Эрта тонгда опанинг қабрини зиёрат қилдик. Боготда ташкил этилган уй-музейда бўлди. Вилоят мусикали драма театрида тантанали тадбир ташкил қилинди. Тадбирларда иштирок қилар эканман, Шакаржон Хўжаниёзова билан боғлиқ хотираларим кўз олдимда яна бир карра намоён бўлди.

Шакаржон опа билан биринчи бор 1993 йилда учрашганмиз. Уша

пайтларда у Боғот тумани ҳокими вазифасида фаолият юритар, мен эса оддий шифокор эдим. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйриги билан шу туманга хизмат сафарига юборилдим. Хўжаниёзова мен билан самимий суҳбатлашди. Тўғри, у ҳақда аввал ҳам эшитгандим, аммо уни бу қадар камтар ва оддий инсон деб тасаввур қилмагандим.

Биричи учрашувимиздаги суҳбатимиз оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий маданиятни шакллантириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш хусусида кечди. У пайтлар иқтисодий қийинчиликлар ҳукм сураётган, озиқ-овқат тақчиллиги кузатилаётган оғир ва мураккаб даврлар эди. Шундай бўлса-да, Шакаржон опа масалага жиддий ёндашдилар. Бу борада қандай ёрдам керак бўлса, тортинмай сўрашимни тайинладилар. Шундан сўнг опага ҳурматим янада ошди.

У 2000 йилгача шу туманга ҳокимлик қилиб, эзгу ишларга бош



қош бўлди. Ҳалол меҳнати билан одамлар меҳрини қозонди. Уша кезлар опа Боготта санюатни олиб кирди. Мева ва сабзавотлар қайта ишланадиган корхона ташкил қилинди. Қишлоқларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида ҳам кўплаб хайрли ишларни амалга оширди. Айниқса, Олий Мажлис депутати, кейинчалик Сенат аъзоси ўлароқ, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб, долзарб ва муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Унинг ширинсуханлиги, нотикилги мени ҳамisha хайратлантириб келган. Бу ҳақда ўзидан сўраганимда, «Бунинг сири кўп китоб ўқишда», деган эди. Дарҳақиқат, у зиёли аёл эди. Тарих, адабиёт фанини чуқур ўзлаштирганди. Кўплаб газал ва рубо-

ийларни ёддан биларди. Шакаржон Хўжаниёзова тўғрисида сўз кетганда, бир воқеа бот-бот ёдимга тушаверади. Пахта етиштириш, уни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш давлат сиёсати даражасида қўриладиган йиллар. Перинатал марказ раҳбари сифатида ҳар куни 200 кишини теримга олиб чиқишим керак эди. Бу ҳам етмагандек, ярим кечаси бўладиган йиғиштирилда қатнашишга мажбурман. Шундай кунларнинг бирида Шакаржон Хўжаниёзова таклиф киритди:

— Орамизда бир инсон бор, уни ҳаммамиз аяшмиш керак. Зеро, келажакимиз у бошлиқ жамоанинг қўлида. Шунинг учун уни кечки мажлисларга чақирмасак, нима дейсизлар? Опанинг қутилмаган бу таклифидан ҳамма хайрон-лол қолди.

ХОТИРА

— Бу инсон Гулсара Қурбонбоева бўлади, — дея жимликни бузиб, сўзида давом этди Шакаржон Хўжаниёзова.

Аслида бу таклиф менга ғамхўрлик қилиш учун эмас, аксинча, хоразмлик оналарга, туғилажак фарзандларга бўлган эътибор намунаси эди.

Сирасини айтганда, опа билан суҳбатлашиб, фаолиятини қузатиб, бирга ишлаб, жуда катта психолог, файласуф, беназир инсон эканини англаганман.

Шакаржон Хўжаниёзованинг меҳнатлари зое кетмади. У «Меҳнат шухрати», «Фидокорона меҳнатлари учун» орденлари, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони ва бошқа кўплаб мукофотлар билан тақдирланди.

Тақдир тақозосини қарангки, чекимга Шакаржон опанинг ишини давом эттириш тушди. Бу вазифага Хўжаниёзова сингари чин юракдан, масъулият ва адолат билан ёндашди. Аёллар дардига қулоқ тутдим, муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашдим. Шундай жараёнларда опанинг сабоқлари менга роса кўл келди.

Ҳа, Шакаржон Хўжаниёзова ўзига хос раҳбарлик мактаби яратган шахс эди. Унинг ишларини бугун шогирдлари давом эттиришмоқда.

Шубҳа йўқки, элимизнинг азии ва қадри фарзанди, бутун ҳаётини халқига бахш этган ажойиб инсон — Шакаржон Хўжаниёзова хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

Гулсара ҚУРБОНБОЕВА, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси

ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ



ФАХРИЙЛАР ТАФАККУР БАҲСИДА

Ўзбекистон шахмат академиясида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишлари бошқармаси ҳамда Федерациянинг Тошкент шаҳар кенгаши, Мамлакат спорт фахрийлари кенгаши ҳамкорлигида фахрийлар ўртасида мусобақа ташкил этилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан ўтказилган турнирда бир гуруҳ фахрийлар иштирок этишди.

— Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси спортнинг турли йўналишларида, айниқса, шахмат турига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, — дейди Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нодир Баҳодиров. — Бу галги мусобақага фахрийларни таклиф этдик. Улар нафақат касб тажрибаси, балки спортда ҳам ўз тажрибаси билан ёшларга ўрнак бўлаётганлиги исбот этилди.

Тадбирнинг яна бир муҳим ва эсда қоладиган воқеаси — унда норасмий иштирок этган 7 ёшли Муҳаммад-мустафонинг ўйини бўлди. У турли тактикаларни қўллаб, бир неча қатнашувчиларни мағлубиятга учратди.

Мусобақа натижаларига қўра, биринчи ўринни Маҳмуд Гуломов, иккинчи ўринни Муҳаммадjon Ражапов, учинчи ўринни Василлий Божок қўлга киритди. Голиблар муносиби рағбатлантирилди.

Диёра РАВШАНОВА «ISHONCH»

ЎЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани Увобсой қишлоғидаги «ENERGY» болалар соғломлаштириш оромгоҳи 150 ўринга мўлжалланган. Ҳозир бир ерда 130 нафардан ортиқ бола таътил кунларини мароқли ўтказмоқда.

ҲАР КУННИНГ ЎЗ МАВЗУСИ БОР

Оромгоҳда 8 нафар педагог-тарбиячи, етакчилар, спорт ва мусика мураббийлари, шунингдек, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар ва миллий гвардия ходимлари болалар таътил кунларини хавфсиз ва мазмунли ўтказишлари учун масъулият билан меҳнат қилишмоқда.

Масканда ҳар бир кун учун алоҳида дастурлар берилган. Болаларнинг қизиқишларига мос равишда футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат ва шашка каби спорт турлари, қўл меҳнати, расмлик, рақс ва мусика тўғрисида таътил қилинган. Китобхона болалар учун эса бой китоб фондига эга кутубхона фаолияти йўлга қўйилган.

Бу ерда болаларнинг нафақат мароқли дам олишлари, балки жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлишларига ҳам имконият яратилган. Ошхонада эса уч маҳал иссиқ овқат ва икки маҳал енгил нонушта тайёрланади.

— Бу йилги ёзи дам олиш мавсумини 1 июндан бошладик, — дейди оромгоҳ бош етакчиси Диёрбек Тожиёв. — Мавсум давомида тўрт сменада жами 500 нафардан ортиқ ўғил-қизни қабул қилишни режалаштираемиз. Болаларнинг мароқли дам олишини таъминлаш мақсадида 12 кунлик дастур ишлаб чиқилган. Унда нафақат спорт ва ижод, балки шп-фанга оид тўғрараклар ҳам мавжуд.

— Оромгоҳ менга жуда ёқди, — дейди Жасур Абдурахмонов. — Кутубхонада қизиқарли китоблар кўп экан. Мен шахмат, мусика ва расмлик тўғраракларида қатнашганман. Ҳар кун сабаҳат, турли танловлар ва фильмлар намойиши бўлиб ўтади. Энг қувонарлиси, янги дўстлар орттирдим.

Жамшид ЯРОБЕКОВ

Эълон

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Тошкент шаҳар Учтепа тумани бўлинига тегишли Устав ҳамда унинг Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 20.02.2015 йилда 632-сон билан рўйхатдан ўтказилган гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Олот тумани кенгаши ҳисобчиси Райхон Раҳматовга турмуш ўртоғи

Ибодулло Ортиқов вафот этгани муносабати билан ҳамдардик билдиради.

FAST FOOD — МАЗАЛИ, АММО...

Бугунги кунда тез тайёрланадиган, яъни фастфуд маҳсулотлар баъзи кишиларнинг сеvimли таомларига айланиб бормоқда. Нафақат болалар, балки катталар орасида ҳам уларни истеъмол қилувчилар кўпаймоқда. Ажабланарлиси, ижтимоий тармоқлардаги турли видеороликлар ва шифокорларнинг оғохлантиришлари қарамай, кўпчилик бу одатдан воз кечмаяпти.

АГРЕССИВ РЕКЛАМА СИЁСАТИ...

Катта шаҳарлар кўчалари бўйлаб юрсангиз, фастфуд маҳсулотлари тайёрланадиган емакхоналарга бот-бот дуч келасиз. Метро ва автобус бекатлари ён-атрофида, ҳатто уларнинг ичида ҳам тез тайёрланадиган егуликлар рекламаларига кўзингиз тушади. Бу сизда реклама бозорининг катта қисmini айна овқатлар эгаллагандай таассурот уйғотади. Уларнинг телевизор орқали бериладиганлари эса қорни тўқ одамнинг ҳам иштаҳасини қайтадан очиб юборади.

Бу рекламаларнинг аксарияти реал озиқ-овқат маҳсулотларини эмас, балки уларнинг визуал ва технологик эффектлар ёрдамида яратилган кўринишларини акс эттиради. Шунга қўра, тарғиб қилинган маҳсулотлар узоқ вақт жозибадорлигини йўқотмайди. Масалан, бургер котлетлари худди оловда қизартириб пиширилган, хушбўй ва гриль ислари қолган гўштдек кўриниши билан иштаҳани кўзғайди. Аслида-чи?



Профессионал озиқ-овқат стилисти Клаудия Фикканинг таъкидлашича, рекламаларда кўринадиган гўштдаги гриль ислари ҳақиқий эмас, балки гўштни қайта ишлаш заводларида махсус ускуналар ёрдамида сунъий тарзда куйдирилган экиқлардир. Котлет юмшоқ бўлиши учун эса унга махсус эритмалар пуркалади, сўнгра музлатилиб, фастфуд рестораниларига етказиб берилади. Бу ерларда эса котлетлар из қолдирмайдиган оддий печларда пиширилади.

АКСАРИЯТ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ АСОСИЙ САБАБИ

М у т а х а с с и с л а р фикирига қўра, нотўғри овқатланиш жигар, ўт пуфағи, ошқозон-ичак, юрак-қон томир, ҳатто эндокрин касаллиқларнинг асосий сабаби ҳисобланади. Австралиялик олимлар ўтказган тадқиқотлар натижасида бу иллат нафақат жисмоний, балки ақлий саломатлик учун ҳам хавfli эканлиги аниқланган. Масалан, деменция (ақлий заифлик) ривожланишида трансёғлар ва тўйинган ёғларнинг бевосита таъсири бор. Айниқса, сариеғ, пальма ва кокос



ёғи, ёғли сут маҳсулотлари, шоколадлар, пиширилган, ярим тайёр овқатлар ва фастфуд маҳсулотларини доимий истеъмол қилиш бу борадаги хавfli янада оширади. Пархезга риоя этувчи, соғлом ёғлар (масалан, зайтун ёғи), кўкатлар, сабзавотлар ва табиий маҳсулотларни тановул қилувчиларда эса хотира ва диққат пасайиши, фикрлаш қобилияти сусайиши нисбатан кам учрайди.

Б и н о б а р и н , соғлом турмуш тарзи ҳам жисмоний, ҳам руҳий фаровонлик омилидир. Бу муаммо бугун фақат табиий эмас, балки ижтимоий ҳодисага ҳам айланган. Фастфуд маҳсулотларнинг оммалашши, айниқса, ёшлар орасида ўзига хос «мода»га айланиши эса келажакда кўпчиликнинг саломатли-

гига таҳдид солади. Бундай ҳолатларда давлат сиёсати даражасида чора-тадбирлар қўрилиши зарур. Жумладан, фастфуд маҳсулотлари рекламаларини чеклаш, таълим муассасалари ва жамоат жойларида соғлом овқатланиш тарихотибини қучайтириш, болалар ва ўсимирлар учун овқатланиш маданияти бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, фастфуд маҳсулотларининг жозибадор кўриниши ортда соғлиғимиз учун жиддий хавfliлар мавжуд. Буни ота-оналар, ўқитувчилар, қоларверса, ҳар бир фуқаро билиши ва унинг заррли жиҳатларини, тўғри овқатланиш эса инсон вужуди ва онгини соғлом сақлашнинг асосий кафолати саналишини ёшларга муносиб равишда таълиптири боришлари шарт.

Мадина ПЎЛАТ қизи

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Таваккал Қодиров ижросида «Бизни ташлаб қайга кетди» кўшиғи Мискин газали

Бизни ташлаб қайга кетди ул қаро қошим менинг?! Термулиб йўлига кўздин оқадир ёшим менинг. Чорасиз қолдим, нетай, қижрон ўтида ўртаниб, Тўлди ҳасрат бирла қуйган бу ичу тошим менинг.

MUASSIS:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси 2007-йил 11-январда Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOILOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie») Bosh muharrir Husan ERMATOV «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43 Marketing va obuna — (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70 Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchesi muharrir: Abdunabi HAYDAROV Musahhih: Umida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV Bosilishga topshirish vaqti — 23:40 Topshirildi — 00:10 Bahosi keshilgan narxda: Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch 1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlil chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 12 408 ta Shunday: 6 187 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi — Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 306 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi — Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi — Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-611 1 2 3 4 5 6